201
A
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

2019 йил Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

# Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2019-yil 2-fevral, shanba 10 (8977)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## БАНКРОТЛИК ТАОМИЛЛАРИНИ ЯНАДА СОДДАЛАШТИРИШ ВА СУД БОШҚАРУВЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш, суд бошқарувчилари фаолиятини такомиллаштириш, халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикасининг позициясини яхшилаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциациясининг 2019 йил 1 июлдан қуйидаги тартибни ўрнатиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин:

**давлат солиқ хизмати органлари** солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш имконияти бўлмаганлиги сабабли ижро ҳужжатлари қайтарилган кундан бошлаб **30 кундан кечиктирмасдан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилади**;

банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар суммаси **энг кам иш ҳақи миқдорининг камида уч юз каррасини** ташкил этадиган бўлса, қарздор якка тартибдаги тадбиркорга ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсга нисбатан эса **энг кам иш ҳақи миқдорининг камида йигирма каррасини** ташкил этадиган бўлса, суд томонидан қўзғатилиши мумкин;

**тугатишга доир иш юритиш муддати тўққиз ойдан ошмаслиги лозим**, алоҳида ҳолларда ушбу муддат банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларнинг илтимосномасига асосан суд қарори билан уч ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин;

бенефициар ва аффилланган шахсларнинг биргаликдаги хатти-ҳаракатлари оқибатида сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари аниқланганлиги тўғрисида **суднинг қонуний кучга кирган ҳукми** мазкур шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда **субсидиар жавобгарликка тортиш** учун асос ҳисобланади;

банкротлик таомиллари қўлланилган қарздорларнинг мол-мулки суд бошқарувчилари томонидан "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали сотилади.

2. 2019 йил 1 мартдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабида (кейинги ўринларда – Республика олий мактаби) қуйидагиларни назарда тутувчи махсус курслар ташкил этилсин:

суд бошқарувчиси аттестатини олишга талабгорларни махсус дастур бўйича шартнома асосида ўқитиш;

тегишли тоифадаги суд бошқарувчиси аттестатини олиш учун асос бўладиган ўқишни тугатганлик тўғрисидаги гувоҳномани бериш;

суд бошқарувчиларининг касбий даражаси ва малакасини ошириш.

(Давоми 2-саҳифада)

Андижон вилояти

# Асакалик ака-укалар

**18 гектар ерда 4 миллиард 900 миллион сўмлик тарвуз етиштирдилар**

*Асака тумани ҳокими қабулига келган ака-ука Аҳмаджон ва Шоҳжаҳон Аҳмедовлар каттароқ ҳажмда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш истагини билдиришди. Уларга Асака адирларидан ер кўрсатилди. Ҳокимнинг бу илтифоти ака-укаларни шод этиб, ишлар бошланиб кетди.*



**Қобилжон АСҚАРОВ,**
"Qishloq hayoti" мухбири.

Дастлаб улар 50 гектар ер олишди. Шундан 10 гектарида боғ ташкил қилинди, 18 гектар ерга эса тарвуз экиш режалаштирилди. Эгатлар олиниб, ҳали ҳовуз ҳамда катта-кичик қурилмалар тайёр бўлмаган бир шароитда шланглар ётқизиш бошланди. Иссиқхонада эса кўчат тайёрлашга киришилди.

– Ҳайратланарли натижага гувоҳ бўлдик, – дейди туман ҳокими Эркин Абдуллаев. – Одатда полизчилар нари борса 3 мартагина тарвуз йиғиб олишарди. Ака-укалар бу кўрсаткични 7 тага етказишди. Атрофдаги аҳоли ҳам пайкалдаги тарвузлардан беминнат олиб кетишди. Биз уларни рағбатлантириш учун адирликдан яна 50 гектар ер қўшиб бердик.

Ака-укалар ҳар гектар ерга иссиқхона аввалдан тайёрланган 70 минг тупдан тарвуз кўчатларини ўтказишди. Вегетация давомида 18 гектар ер учун атиги 3 тонна корбомид минерал ўғити сувга аралаштирилиб, шланглар орқали томчилатиб берилди. Маҳаллий ўғит ҳам алоҳида жойда "шарбат"га айлантирилиб, тиндирилгач сув билан бирга экинларга берилди.

Водийда биринчи бўлиб тарвуз айни Асака адирида, ака-укаларнинг далаларида пишиб етилди. Улар бозорма-бозор юриб, харидор ахтаришмади. Республика миқёсида фаолият кўрсатаётган савдо корхоналаридан бири улгуржи харидор бўлди. Фахрий деҳқонларнинг сўзларига қараганда, ҳали ҳеч ким бир мавсумда етти бор тарвуз узиб олмаган. Шунинг ҳисобига 18 гектар ердан 4 миллиард 900 миллион сўмлик тарвуз сотилди. Ҳар гектар ерда 8 минг тупдан кўчат мавжудлиги ҳисоба олинса, натижа юқори эканлиги ойдинлашади. Гектаридан 272 миллион 200 минг сўмдан даромад олиш мўъжизадан бошқа нарса эмас.

Томчилатиб суғориш технологиясини хориждан валюта эвазига харид қилишга ҳам энди зарурат қолмади. Мамлакатимизда тадбиркорлар бу технологияни янада мукаммалроқ тарзда ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Чунончи, "Камалак рангли боғлар" МЧЖда ишлатилаётган технология ҳам Зангиота туманидаги "ECO DRIP" корхонасида тайёрланган.

Бу ерда "Норин-Қорадарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамкорлигида кўргазмали семинар ташкил этилди. Иштирокчилар эътиборига томчилатиб суғориш технологиясининг кўплаб намуналари ҳавола этилди.

Халқимизда кўз қўрқоқ, қўл ботир деган ҳикмат бор. Тадбиркорлик замонида бир қадам олдин юрган одам ютади. "Қани кўрайлик", деган кимсалар эса аравадан тушиб қолаверади.

Ака-ука тадбиркорлар бошлаган салмоқли иш натижасини ҳисоб-китоб қилсангиз, наинки сув, бир қарич ернинг ҳам исроф бўлмаётганини англайсиз. Ҳосилдорлик эса ҳаммамизга маълум.

✓ 2 февраль - Бутунжаҳон сувли-ботқоқли ҳудудлар куни

***Инсониятнинг табиатга бўлган ноокилона муносабати йилдан-йилга салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, сув ресурсларидан ноокилона фойдаланиш долзарб масала бўлиб турибди. БМТ маълумотларига кўра, 2050 йилга бориб ер юзи аҳолисининг 47 фоизи сув танқислигини ҳис қилиши мумкин. Негаки, дунёдаги сув манбаларининг атиги 6 фоизи чучук сувни ташкил этиб, унинг 2 фоизи истеъмол учун яроқлидир.***

# ...унда келажак авлодларнинг ҳам ҳақи бор

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотида жами касалликларнинг 85 фоизи бевосита сув билан боғлиқлиги қайд этилган. Шундай экан, ҳозирги даврда саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, транспорт, қурилишларда сувни тежаш, уни ифлосланишдан сақлаш, шунингдек, илмий-техникавий, демографик муаммоларни ҳал этиш учун табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқишда экологик ёндашув ниҳоятда зарурлигини англамоғимиз жоиз.

Республикамизда ҳам иқтисодиёт тармоқларининг жадал ривожланиши, аҳоли сонининг ортиб бориши билан сувга бўлган талаб кундан кунга ўсиб бормоқда. Сув ресурслари чекланган ва унинг танқислиги ортиб бораётган шароитда обиҳаётни тежаш, хонадонларга сув ўлчаш асбобларини ўрнатиш долзарб масала бўлиб турибди. Очиқ айтиш мумкин, ҳатто томорқасидаги экинларни қувурлардан келаётган ичимлик сув билан суғораётган, уни исроф қилаётган одамлар ҳам йўқ эмас.

Айтиш жоизки, республикамизда ичимлик суви таъминотининг 80 фоизи ер ости чучук сув манбалари ҳисобига тўғри келади. Қолган 20 фоизи эса ичиш мумкин бўлган дарё ва сой сувларидир. Ўзбекистон ҳудудида 55 та сув омбори мавжуд бўлиб, уларнинг 30 таси Амударё ва 25 таси Сирдарё дарёлари ҳавзасида жойлашган. Республикамизда 500 дан ортиқ табиий кўллар ва 1448 та булоқ мавжуд. Келгуси авлодларга тоза сувни асраб-авайлаб етказиш учун бу бебаҳо неъматни эъзозлаш, сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш, сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш лозим.

Сув танқислиги оқибатида кейинги йилларда Сирдарё вилоятида 19 минг гектар майдон қишлоқ хўжалиги экини экишдан чиқариб юборилган. Сирдарё сувининг камайиб кетганлиги ҳам чўлланиш даражасининг ошишига, ҳайвонот дунёси ва ўсимликлар турининг камайишига олиб келмоқда.

Сувдан тежамли фойдаланиш ва унинг беҳуда исроф бўлишига чек қўйиш борасида маҳаллаларда, ўқув юртларида, кенг жамоатчилик ўртасида мунтазам тушунтириш, тарғибот ишларини олиб бориш лозим. Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва энг муҳими, сувни асраш барчамизнинг асосий бурчимиздир.

**Ҳ. ҲАЙДАРОВ,**
*Сирдарё вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи.*

**Ботиржон АСАДОВ:**

## ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ

# ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИДИР



**Ўзбекистон – Россия муносабатлари йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик, бир-бирини қўллашга асосланган кўп йиллик анъаналар муносабатларимизни нафақат сиёсат ва иқтисодиёт, балки маданият, таълим ва туризм соҳаларида ҳам аниқ амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилмоқда.**

*Ўзбекистоннинг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ботиржон АСАДОВ билан ЎзА мухбирининг суҳбати шу ҳақда.*

**– Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари сўнгги йилларда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Сизнингча, қайси омиллар ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши ва янада кенгайишига замин яратди?**

– Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Ўзбекистон – Россия ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, сиёсат, савдо-иқтисод, сармоялар, маданият ва туризм жабҳаларидаги алоқаларни янада кенгайтириш учун муҳим имконият яратди.

Россия томони мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб, эришилаётган ютуқларни юксак баҳолаётир. Шерикларимиз Ўзбекистон ривожланишнинг мутлақо янги босқичига кўтарилганини, мамлакатда бошланган жараёнлар фундаментал ва ортга қайтмас хусусият касб этишини яхши англайди. Давлатимиз олиб бораётган очиқлик сиёсати ва проактив дипломатия юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузи янада юксалиши, давлатлараро муносабатлар жуғрофияси ва кўлами кенгайиши, сайёҳлар ва инвестициялар оқими ортишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида йўлга қўйилган барча даражадаги мулоқотларнинг фаоллашуви ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Аввало, икки мамлакат етакчилари Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин ўртасида дўстона муносабатлар ва ўзаро ишончга асосланган мулоқот мавжудлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Давлат раҳбарлари мунтазам равишда икки томонлама музокаралар ўтказиш баробарида, халқаро саммитлар доирасида учрашиб, телефон орқали суҳбатлар чоғида ҳам ўзаро ҳамкорликнинг энг муҳим масалаларини муҳокама қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил апрель ойида Россия Федерациясига давлат ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очди. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг 2018 йил октябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифи ҳамкорликнинг янги қирраларини бошлаб берди. Ушбу ташриф доирасида илк бор Ўзбекистон – Россия ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ва Таълим форуми ўтказилди. Президентлар Марказий Осиёда биринчи атом электр станцияси қурилиши лойиҳасига старт бердилар. Ушбу объект ишга тушиши билан Ўзбекистон иқтисодиётида янги стратегик тармоқ юзага келади.

**– Сиз раҳбарлигингиздаги элчихонанинг россиялик ҳамкорлар билан турли соҳалардаги алоқаларни фаоллаштиришда роли қандай бўлмоқда?**

– Ўзбекистон – Россия стратегик шериклигини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш фаолиятимизнинг асосий мезонидир. Давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор туфайли сўнгги йилларда биз барча йўналишларда ўз ишларимизни фаоллаштиришга муваффақ бўлдик.

Шу ўринда баъзи рақамларга тўхталиб ўтсак. Ўтган йили уч юздан ортиқ икки томонлама тадбир ўтказилди. Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини тарғиб қилиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида Россия давлат идоралари ва тижорат тузилмалари билан элликдан ортиқ учрашув ва музокара ўтказдик.

(Давоми 2-саҳифада)

# Новқа эгарлари

*Жиззах вилояти Бахмал туманидаги Новқа қишлоғида эгарсозлик ҳунари асрлар давомида авлоддан-авлодга мерос бўлиб келмоқда.*

*Айни пайтда ҳунармандчиликнинг бу тури янада равнақ топиши йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар аҳоли бандлиги ва фаровонлигига хизмат қилаётир.*

*Сафарбой Қурбонов эгарсоз усталар сулоласининг вакили.*

*– Бу ҳунар билан шуғулланаётганимга 50 йилдан ошди, - дейди С. Қурбонов. – Отамнинг айтишича, эгар ясашга қизиқиш менда 5 ёшимдан бошланган экан. Умр бўйи шу касб орқасидан барака топаяпман. Бу касб инсондан мустаҳкам ирода талаб этади. Боиси, битта эгарни ясаш 22 бўлак ёғочни бирорта михдан фойдаланмай эгар ҳолига келтириш кўп вақт ва қунт талаб қилади. Битта эгар ясашга 10-15 кун вақт кетади. Ўта мустаҳкам ясалган эгар эса бир неча авлодга хизмат қилади.*

*Жамшид ЁРБЕКОВ (ЎзА) олган сурат.*



«Qishloq hayoti»
2019-yil 2-fevral, shanba **10 (8977)-son**

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

# БАНКРОТЛИК ТАОМИЛЛАРИНИ ЯНАДА СОДДАЛАШТИРИШ ВА СУД БОШҚАРУВЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

3. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 майдан:

а) давлат солиқ хизмати органларининг аризалари бўйича қўзғатилган банкротликнинг соддалаштирилган таомилларини ўтказишда **суд бошқарувчиларини давлат солиқ хизмати органлари ходимлари орасидан тайинлаш амалиёти бекор қилинади**;

б) шундай тартиб жорий қилинадики, унга мувофиқ давлат солиқ хизмати органларининг аризалари бўйича қўзғатилган банкротликнинг соддалаштирилган таомилларини ўтказишда:

**тўртинчи тоифали суд бошқарувчиси аттестатига эга бўлган** ва Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциацияси (кейинги ўринларда – Ассоциация) аъзолари ҳисобланган **шахслар суд бошқарувчиси этиб тайинланади**;

қарздор турган жойдаги туман (шаҳар) солиқ инспекциясининг қарорига асосан, ҳар бир якунланган тугатишга доир иш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **суд бошқарувчиларига энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида ҳақ тўланади**;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни узишда тўланган қарз суммасининг 5 фоизи миқдорида суд бошқарувчиларига қўшимча ҳақ тўланади;

в) **суд бошқарувчиларининг фаолияти** "фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритиш" ихтисослашуви бўйича лицензияга эга бўлган ва суд бошқарувчиси аттестатини олган **адвокатлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин**;

г) суд бошқарувчиларини тайинлаш кредитор (кредиторларнинг умумий йиғилиши ёки қўмитаси) ёки банкротлик ишлари бўйича ваколатли давлат органи ёхуд Ассоциация ва унинг ҳудудий тузилмалари тақдимномаси бўйича суд бошқарувчилари фаолиятини рейтинг баҳолашни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

4. Белгилансинки, суд бошқарувчиларининг касбий малакасини оширишга кўмаклашиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда уларнинг ролини кучайтириш мақсадида Ассоциация ва унинг ҳудудий тузилмалари:

суд бошқарувчилари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан муносабатларда суд бошқарувчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳуқуқига эга;

суд бошқарувчиларининг касбий одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

суд бошқарувчилари фаолиятини рейтинг асосида баҳолайди, улар томонидан қонун ҳужжатларига, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини мониторинг қилади.

5. Давлат активларини бошқариш агентлиги:

бир ой муддатда Республика олий мактаби билан биргаликда замонавий талаблар ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда суд бошқарувчиларини ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда Республика олий мактабида суд бошқарувчиларини ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этиш чораларини кўрсин;

икки ой муддатда Ассоциация билан биргаликда Суд бошқарувчилари фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

2019 йил 1 апрелдан суд бошқарувчилари фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш ҳақидаги маълумотларни ҳар чоракда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва расмий веб-сайтда жойлаштиришни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда Банкротлик таомиллари қўлланилган қарздорларнинг мол-мулкини "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончасида сотиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар муддатда:

Суд бошқарувчиси аттестатини олишга талабгорларни ўқитиш ва суд бошқарувчилари малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни;

Суд бошқарувчилари, уларни аттестациядан ўтказиш ва малака аттестати бериш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий суд билан биргаликда 2019 йил 1 мартга қадар муддатда сохта банкротлик, банкротликни яширганлик ва қасддан банкротликка олиб келганлик учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 1 майга қадар муддатда илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, янги таҳрирдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 1 февраль

*Ботиржон АСАДОВ:*

# ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИДИР

**(Боши 1-саҳифада)**

Россияда Ўзбекистон корхоналарининг тўққизта савдо уйи очилди. Мамлакатимизда ўтган кўргазма-ярмаркаларда иштирок этиш учун хорижий делегацияларнинг йигирма иккита ташрифи, шунингдек, Ўзбекистон делегацияларининг Россияга ўттиздан ортиқ ташрифи ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев дипломатлар зиммасига мамлакатимизга хорижий сармоялар ва технологияларни жалб қилиш бўйича аниқ-равшан вазифаларни белгилаб берди. Шу мақсадда биз ўтган йили бўлажак инвесторлар билан етмишдан ортиқ музокара ўтказдик, қирқдан ортиқ чет эл сармоядорининг Ўзбекистонга ташрифини ва мамлакатимиз сармоявий салоҳияти тақдимотларини ташкил этдик.

Бугунги кунда юртимизда Россия капитали иштирокидаги 1 минг 427 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Улардан 1 минг 233 таси қўшма корхона бўлса, қолган 194 таси юз фоиз Россия капитали асосида ишга туширилган. 2018 йилнинг ўзида Ўзбекистонда россиялик резидентлар иштирокида 391 та корхона очилди. Россия Федерацияси фирма ва компанияларининг саксонга яқин ваколатхонаси аккредитациядан ўтган. Россия ҳудудида эса мамлакатимиз резидентлари иштирокида олти юздан ортиқ корхона фаолият юритмоқда.

2018 йил якунига кўра, мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми қарийб 6 миллиард долларга етди. Президентимиз томонидан ушбу кўрсаткични яқин йилларда 10 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилган. Россиялик ҳамкорлар билан бу маррага эришиш учун фаол иш олиб бормоқдамиз.

Бугунги кунда туризм мамлакатимиз иқтисодиётининг стратегик тармоғига айланмоқда. Шу сабабли Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини Россия бозорида тарғиб қилиш борасида жадал ишларни бошладик. Ўтган йили бу йўналишда етмишга яқин тақдимот ва учрашувлар ўтказдик. Муҳими, биз Россия пойтахти билан чекланмасдан, Санкт-Петербург, Уфа, Қозон, Тверь шаҳарлари, Рязань, Свердлов, Новосибирск вилоятлари ва Россиянинг бошқа ҳудудларида бўлдик. Кўплаб йирик халқаро сайёҳлик форумлари ва кўргазмаларида иштирок этдик. Туризм соҳасидаги ҳамкорликни муҳокама қилиш мақсадида Россия делегацияларининг Ўзбекистонга ўн иккита ташрифи амалга оширилди. Россия оммавий ахборот воситаларини Ўзбекистоннинг туризм имкониятлари билан таништиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Шу мақсадда россиялик журналистлар учун қатор "инфо-тур"лар ташкил этилди, "НТВ" телеканалининг "Поедем, поедим", "Россия-1" телеканалининг "По секрету всему свету" дастурларининг юртимизга бағишланган махсус кўрсатувлари суратга олинди.

Россия Федерацияси ҳудудида ўтказилган энг йирик тадбирлардан бири 2018 йил 11-16 ноябрь кунлари Новосибирск, Екатеринбург, Уфа ва Қозон шаҳарларида элчихона, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва миллий туроператорлар иштирокида ташкил этилган "Ўзбекистонга саёҳат қил!" промо-тури бўлди. Тадбирлар чоғида Россия ҳудудлари ва Ўзбекистон вилоятлари ҳокимликлари ўртасида туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича олтита битим имзоланди. Айни пайтда биз ушбу мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам промо-турлар ўтказишни режалаштирмоқдамиз.

Элчихонамиз саъй-ҳаракати билан Ўзбекистон 2018 йилнинг энг яхши сайёҳлик йўналишлари ва меҳмонхоналари бўйича "National Geographic Traveler Awards" танловида иштирок этди. Унда юртимиз жами овозларнинг 34 фоизини қўлга киритиб, "Гастрономик туризм" номинацияси ғолиби бўлди.

2018 йил якунига кўра, Россиядан Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар сони 460 мингдан ошди, бу 2017 йилга нисбатан 65 фоизга кўпдир.

**– Элчихона томонидан Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қандай ишлар қилиняпти?**

– Россиядаги Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифамиздир. Ўтган йили консуллик бўлимимиз 65 мингдан ортиқ фуқароларимизни қабул қилди. 18 мингдан ортиқ паспортини йўқотган, муддати ўтган ёки бузган фуқароларга Ватанга қайтиш сертификати берилди. Шундан 442 та сертификат бепул тарзда берилган. Бир ярим мингдан ортиқ киши биометрик паспорт олди. Икки мингдан ортиқ киши доимий консуллик ҳисобига қўйилди. Фуқароларнинг тўрт мингдан ортиқ ёзма ва етти мингдан ортиқ электрон мурожаати кўриб чиқилиб, ҳал қилинди.

Ўзбекистон фуқароларига консуллик маслаҳатлари ва амалий ёрдам бериш учун консуллик бўлими ходимлари Россия ҳудудларида ҳам бўлди. Санкт-Петербург, Ставрополь вилоятлари, Қозон, Ростов-Дон, Владивосток, Екатеринбург, Тверь, Владимир каби ҳудудларда мамлакатимизнинг тўрт мингдан ортиқ фуқароси билан учрашувлар ўтказилди. Ходимларимиз Екатеринбург ва Москвадаги хорижий фуқароларни вақтинчалик сақлаш марказларида Ўзбекистон фуқаролари билан учрашув ва суҳбатлар ўтказиб, тегишли маслаҳатлар бериб келмоқда.

Элчихона консуллик бўлими ходимлари турли инстанциялар судлари, жумладан, Москва шаҳар суди, Москва туман судлари мажлисларида бевосита иштирок этиб, Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Россияда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларида ҳалок бўлган ёки жароҳат олган фуқароларимиз ва уларнинг қариндошларига тезкор ёрдам кўрсатилди. Россияда ишлаётган фуқароларимизга иш берувчилардан уларга тўланиши лозим бўлган иш ҳақларини олиб бериш, суд органларига аризалар тайёрлаш, иш берувчилар томонидан ноқонуний тарзда олиб қўйилган паспортларни қайтариш бўйича ҳар куни амалий ёрдам кўрсатилади.

Ўйлайманки, Санкт-Петербург ва Екатеринбургда Бош консулхоналар очилгани алоқаларимиз жуғрофиясини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**– Россиядаги ватандошлар ва ўзбек диаспораси билан алоқалар қандай?**

– Элчихона Россияда истиқомат қилаётган ватандошларимиз ҳамда ўзбек диаспораси ташкилотлари билан яқин алоқаларни йўлга қўйган. Биргаликда муҳим воқеалар, байрамларга бағишланган маданий тадбирлар ўтказиш анъанага айланган. Бу борада Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллигига бағишланган "Алишер Навоий ижоди ва замонавийлик" номли халқаро илмий-амалий конференция, Москва давлат тилшунослик университетида улуғ шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Бобур ҳаётига бағишлаб ўтказилган давра суҳбати ва бошқа тадбирларни эслаб ўтиш мумкин. Россиянинг қатор етакчи олий ўқув юртларида дўстлик кечалари, миллий таомлар фестиваллари, "Биз тинчлик тарафдоримиз" халқаро танлови, миллий ашула ва рақс тақдимотлари ўтказилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон вазирлик ва идоралари вакиллари, тадбиркорлар ва сайёҳлик операторларининг Россияга ташрифлари доирасида ўтказилаётган икки томонлама савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган тадбирларда ватандошларимиз фаол иштирок этмоқда.

Элчихона Россиядаги катта илмий-амалий тажрибага эга ватандошларимиз, жумладан, тиббиёт ходимлари, олимлар, экспертлар, тадбиркорлар, маданият ва спорт арбоблари билан мулоқот ўрнатиб, уларни Ўзбекистонга жалб қилиш бўйича ҳам иш олиб бормоқда. Россия олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида таълим олаётган "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендиатлари билан ҳам мунтазам мулоқот йўлга қўйилган.

**– Олий даражадаги ташрифлар чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича жорий йилда қандай ишлар режалаштирилган?**

– 2019 йилда ҳам олий даражадаги ташрифлар чоғида эришилган келишувларни ҳаётга тўлиқ ва сифатли татбиқ этиш изчил давом эттирилади.

2019 йил мамлакатимизда Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили, деб эълон қилинди. Шундан келиб чиқиб, биз иқтисодиётимизга Россия капитали ва технологияларини жалб қилишни устувор вазифамиз, деб биламиз. Ўзбекистон саноатини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, тўқимачилик, фармацевтика ва агрокластерларни ташкил этиш лойиҳаларида Россия вакилларининг иштирокини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган.

Энг муҳим йўналишлардан бири Ўзбекистон маҳсулотларининг Россияга экспортини оширишга кўмаклашишдир. Биз яқин йилларда ўзаро товар айланмаси ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш учун барча саъй-ҳаракатларни ишга соламиз. Бу борада россиялик ҳамкорлар билан миллий маҳсулотларимиз экспорти учун қулай шарт-шароит яратиш, серқуёш ўзбек заминида етилган мева-сабзавотларни "даладан – савдо растасига" тамойили бўйича Россияга етказиб беришнинг кафолатланган тизимини яратиш устида ишлаймиз.

Россиядан Ўзбекистонга сайёҳлар оқимини кўпайтириш, Тошкентда Ўзбекистон – Россия биринчи сайёҳлик форуми ва Ўзбекистон – Россия иккинчи ҳудудлараро ҳамкорлик форумини ўтказиш кўзда тутилган. Юртимизнинг гастрономик ва зиёрат туризми соҳаларидаги улкан имкониятлари тарғиботини янада фаоллаштирамиз.

Россия билан барча даражаларда фаол сиёсий мулоқотни давом эттириш ва мустаҳкамлаш бизнинг асосий вазифамиздир. Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида қатор тадбирлар ўтказилиши мўлжалланган бўлиб, бу минтақавий ва халқаро сиёсатнинг асосий масалалари юзасидан фикр алмашиш имконини беради.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик янада кенгайиб, Россия олий ўқув юртларининг Ўзбекистондаги филиалларини очиш ҳамда иккинчи Таълим форумини ўтказиш юзасидан кенг чора-тадбирлар амалга оширилади. Ўйлайманки, бу борадаги кўплаб дастур ва лойиҳаларнинг амалга ошиши мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатлари ривожига салмоқли таъсир кўрсатади.

**ЎзА мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ суҳбатлашди.**

**Тошкент вилояти**

# "Пишиқ ғиштларимизга ХОРИЖЛИК қурувчилар ҳам талабгор бўлмоқда"



**Бугун пойтахтимизнинг Сергели тумани** ҳудудига йўли тушган ҳар қандай кишининг чор атрофда юз бераётган улкан бунёдкорлик ишларидан ҳайрати ортади.

***Қисқа муддатда қад ростлаган барча қулайликларга эга кўп қаватли уй-жойлар, инфратузилмалар, мактабгача таълим муассасалари, спорт майдонлари, савдо ва маиший шохобчалар кўзни қувнатади. Айниқса, аксарият биноларнинг қуёш нурида нафис жилоланувчи қизғиш тусдаги пишиқ ғиштлардан қад ростлаётгани атрофга янада жозиба бахш этмоқда. Турнақатор бўлиб ғишт ортиб келаётган ва бўшатиб дарҳол ортига қайтаётган юк машиналарига енгил машинангизда эргашсангиз, улар сизни тўғри Оҳангарон шаҳрига, пештоқига "Оригинал голд керамик" хорижий корхонаси дея, ёзиб қўйилган манзилга бошлаб боради. Дафаътан бу ерда ҳаётнинг шитоб билан қайнаётганлигини, иш жараёни харидор талабига кўра узлуксиз ташкил этилганлигини пайқайсиз.***

**Иброҳим ТОШЕВ,**
"Qishloq hayoti" мухбири.



Усти ёпиқ катта майдон узра жойлаштирилган мажмуани айланамиз. Даставвал эътиборимизни тортган жиҳат шу бўлдики, улкан ҳудудни ишғол қилган, яна денг, ғишт ишлаб чиқарилаётган йирик корхонада сокинлик ҳукмрон. Барча жараён тўлиқ механизациялаштирилган. Энг муҳими, махсус печларда юқори ҳароратда пиширилаётган маҳсулот хомашёси юртимиз тупроғидан. Соз тупроққа қум аралашмаси қўшиб, тайёрланади. Белгиланган вақт оралиғида оловда обдон тобланган ғишт шу тариқа қизғиш тусга кириб, чидамли жисмга айланади. Печлар устига ўрнатилган, атрофи зич ёпилган ойнаванд хонада компьютер ёрдамида барча жараён кузатиб борилади. Хорижий технологиянинг энг эътиборли жиҳати шундаки, маҳсулот ишлаб чиқаришда робот иштироки ҳам бор. Бу ишнинг тезкорлиги баробарида техник хавфсизликни ҳам таъминлайди. Атрофда тепалик шаклини олган қум, тупроқ уюмларидан ҳам ғубор кўтарилмайди. Мунтазам пуркаб турилган сув зарралари бунга йўл қўймайди. Хуллас, афзаллигини ҳар жиҳатдан эътироф этса арзирли хорижий технология. Шу боис, маҳсулот юқори сифатга эга. Ғиштлар орасидаги тешиклар пойдеворга қўйилаётганда, қоришмалар бир-бирига оқиб ўтиб, бинолар мустаҳкамлиги таъминланади.

– Ҳар бир печдан чиққан маҳсулотдан намуна олиб, пишиқлигини синовдан ўтказамиз, – дейди лаборатория ходими Анна Шишковский хонага ўрнатилган турли хил механизмларга ишора қилиб. – Ғиштга ҳар томондан тонналаб оғирлик ва куч билан босим бериб кўрилади. Эҳтимол мана шу омиллар сабаб ҳам "Оригинал голд керамик" хорижий корхонасининг маҳсулотлари бугун ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлиб бормоқда. Бугун уларга мамлакатимизда бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган Корея ва Хитой давлатлари қурувчилари ҳам талабгор бўлишмоқда. Шаҳар ва туманларда барпо этилаётган уй-жойларнинг аксариятида корхонамиз маҳсулотларидан фойдаланилмоқда.

– Тошкент вилоятининг маъмурий маркази Нурафшон шаҳрида тўртта кўп қаватли уйни қуриш ташкилотимиз зиммасига юклатилган эди, – дейди "Янги замон бино" МЧЖ иш бошқарувчиси Отабек Назарбеков. – Қисқа фурсатда 7 қаватли уйларни қуриб, фойдаланишга топширдик. Бунда асосан, "Оригинал голд керамик" хорижий корхонасининг пишиқ ғиштлари ишлатилди. Маҳсулот сифатли, давлат стандарти талабларига тўла жавоб беради.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятига ташрифи чоғида воҳани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳақида гапира туриб "Тошкент вилоятининг эртаси бу саноат"дир деган эдилар. Бугун ушбу эътироф ҳақиқатга айланиб бормоқда. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида ташкил этилаётган корхоналарнинг аксарияти айнан саноат йўналишида фаолият юритмоқда. Бугунги мамлакатимиз халқ хўжалигига етказиб берилаётган ва кўплаб бунёдкорлик ашёларининг асосий қисми воҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

***Мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳамда Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш учун зарур иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий асослар яратиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.***

# Қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш – мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий босқичидир



**С.РУЗИЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.

Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув истеъмоли соҳаларида ҳақиқий ҳолатни ва ривожланиш истиқболларини чуқур таҳлил қилиш асосида уларни стратегик режалаштириш сиёсати бўйича таъсирчан ишларни йўлга қўйиш, мазкур йўналишлар бўйича бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ташкил этилди.

Инспекция ўз фаолияти давомида асосий эътиборни қишлоқ ва сув хўжалиги бошқаруви соҳасида узоқ вақт давомида ҳал этилмасдан келаётган тизимли муаммоларни таҳлил қилиш ва уларнинг ечимини топишга қаратмоқда.

Ўтган давр мобайнида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида 30 мингдан ортиқ назорат ҳужжатлари қўлланилди. Уларнинг манфаатларини кўзлаб, судларга 50,3 миллиард сўмлик 2 368 та ариза киритилди. Етказилган 2,8 миллиард сўмлик зарарнинг ихтиёрий қопланиши таъминланди.

Кўрилган чоралар натижасида 7 360 нафар шахснинг, шундан 4 319 нафар тадбиркорлик субъектининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Жумладан, Наманган вилоятидаги "Имкон агро" МЧЖ томонидан 2 407 та фермер хўжаликларига етказиб берилиши лозим бўлган картошка уруғининг Тошкент, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида жами 1 283 тоннаси талон-тарож қилиниб, фермер хўжаликлари манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилган. Бу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Ҳудудлардаги 500 га яқин фермер хўжаликларига 1 523 тонна минерал ўғит ажратилишида, 91,9 минг гектар майдонда агротехник тадбирларнинг амалга оширилишида амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 7 557 метр куб сув ресурслари ва 3 022 гектар ер майдонларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларининг олди олинди. Бундан ташқари, 2 588 та мурожаат ҳал қилиниб, фаолиятга ошкоралик бериш бўйича 15 411 та тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Агросаноат мажмуи соҳасига оид қонун ҳужжатларининг ҳолати ва қўлланилиш амалиёти ўрганилиб, бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар инвентаризациядан ўтказилди.

Натижада, Ўзбекистон Республикасининг 8 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9 та қарор ва фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 26 та қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида тайёрланган лойиҳалар маъқулланиб, қабул қилинди.

Амалий чора-тадбирлар натижасида, "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарда 2018 йилнинг 2-ярмида ишлаб чиқарилиши белгиланган 75 турдаги 11 120 дона техниканинг таннархини ўртача 54,2 миллиард сўмга ёки 5 фоизга арзонлаштиришга эришилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги импорт ўрнини босувчи техника ва технологияларни яратиш ва ишлаб чиқиш мақсадида Инспекция қошидаги Марказ тузилмасида "Тадқиқотлар ва ривожлантириш маркази" ташкил этилди.

Ушбу марказ томонидан импорт қилинадиган трактор кабиналарининг ўрнини босувчи кабина лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ҳозирда унинг биринчи намунаси (протатипи)ни тайёрлаш давом этмоқда.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланиш соҳасида шаффофлик таъминланмаганлиги оқибатида 46992 гектар ер майдонини ажратишда қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги, 1971 минг гектар қишлоқ хўжалиги ер майдонлари захирада турганлиги, 21 миллион гектар яйловлардан оқилона фойдаланилмаётганлиги, ўрмон фонди ерлари ҳақидаги маълумотлар тўлиқ шакллантирилмаганлиги аниқланди. Шундан 2 574 гектар ер майдони ноқонуний ажратилган бўлиб, ноқонуний қарорларни бекор қилиш бўйича 1 061 та протест келтирилди. Мониторинглар натижасида 1 300 гектар ер майдони захирага қайтарилди. Белгиланган мақсадларда фойдаланилмаётган 3 867 гектар ер майдонининг мақсадли фойдаланилиши таъминланди.

Ер майдонларини талон-торож қилиш ҳолатлари бўйича эса 54 та жиноят иши қўзғатилди.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида, қишлоқ хўжалиги ерларини фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига беришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш, захирадаги ерлар ҳақидаги тўлиқ маълумотларни расмий веб-сайтларга жойлаштириш амалиётини жорий этиш, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун жавобгарликни кучайтириш, яйловлардан самарали фойдаланиш тартибини белгилаш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрланди.

Сув ва сув ресурсларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш аҳволи ҳам Инспекция органларининг алоҳида назоратида бўлди.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, коллектор дренаж тизимларининг зарур даражада тозаланмаётганлиги ерларнинг балл бонитети пасайишига олиб келаётир. Сув сарфига оид ҳисоб-китобларни юритишда ҳам кўплаб камчиликлар мавжудлиги, сув насосларининг аксарияти хизмат муддатини ўтаб бўлганлиги аён бўлди.

Бу борада ўтказилган назорат тадбирларида 388 та ҳолатда лимитдан ортиқча сув олиш, 2 393 та ҳолатда экинларни кўллатиб суғориш, 939 та ҳолатда коллектор ва зовурга сувни ташлаб қўйиш, 3 127 та ҳолатда сувдан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳолатлари аниқланиб, 5 700 нафар шахсга нисбатан маъмурий ва иқтисодий жарималар қўлланилди, мазкур тизимда аниқланган 4 миллиард 431 минг сўмлик молиявий қонунбузилишлар бўйича 9 та жиноят иши қўзғатилди.

Экинлардан мўл ҳосил олиш биринчи навбатда уруғликнинг сифатли тайёрланишига боғлиқ. Таҳлиллар бу соҳада ҳам қатор муаммолар ҳал этилмаганлигини кўрсатди.

Амалга оширилган тадбирларда 17056 тонна уруғлик дон товар дон сифатида топширилганлиги аниқланиб, айбдорларга тегишли чоралар кўрилди.

"Ўздонмаҳсулот" тизимидаги корхоналар томонидан дон уруғларини дорилаш учун 3,5 миллиард сўмлик "Далтебу" номли яроқсиз, қалбаки кимёвий воситалар сотиб олинганлиги аниқланиб, жиноят иши қўзғатилди ва 73 минг тонна уруғлик доннинг сифатсиз дориланишининг олди олинди.

Бундан ташқари, Жиззах вилоятидаги "Элита", Андижон вилоятидаги "Найман уруғлари" корхоналари омборларидаги 730 тонна уруғлик чигитнинг личинка ва капалак билан зарарланганлиги ҳолати бўйича жиноят ишлари қўзғатилди.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 2019 йил ҳосили учун экишга тайёрланган 309441 тонна бошоқли дон Марказ томонидан синовдан ўтказилиб, сертификатланганидан сўнг экишга чиқарилди.

Шунингдек, 1 миллион 284 минг гектар ерга экилган бошоқли доннинг униб чиқиш аҳволи ўрганилиб, 46 минг гектар "қолоқ" майдонларга ходимлар бириктирилди ва бу тоифадаги ҳар бир фермер бўйича "Йўл харита"си ишлаб чиқилди.

Шу каби, 2019 йил пахта ҳосили учун зарур бўладиган жами 84 150 тонна уруғлик чигитнинг бугунги кунда қарийб 23 минг тоннаси тозаланиб, 6 348 тоннаси дориланди.

Ўтган йили Республикамиздаги пахта қабул қилиш масканларидаги тарози ва лабораторияларга Инспекция ходимлари бириктирилди ва масканларга видеокамералар ўрнатилиб, "онлайн кузатув" йўлга қўйилди.

Кўрилган чоралар натижасида жами 17378 тонна пахта хомашёсини қўшиб ёзиш ҳолатлари аниқланди ва 61 миллиард сўмлик талон-торожликнинг олди олинди.

Шунингдек, 29 мингга яқин қайта синовлар ўтказилиб, муқаддам ўтказилган 115 та синов натижалари бекор қилинди. Натижада 86 нафар фермернинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, 18 тонна пахта хомашёсининг фермер хўжаликлари фойдасига ўтказилиши таъминланди.

Қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида 23 та тақдимнома киритилди, 111 нафар мансабдор шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. 39 ҳолатда жиноят иши қўзғатилди.

Текширувлар жараёнида Бухоро шаҳридаги "Тарози класс" корхонаси мансабдор шахсларининг пахта қабул қилиш корхоналари мансабдорлари билан ўзаро жиноий тил бириктириб, пахта хомашёсини узоқ йиллардан буён тарозига ташқи таъсир кўрсатиш орқали ўзлаштириб келаётганлиги фош этилди.

Бундан ташқари, корхона раҳбарлари дон, ёғ-мой, металлургия корхоналарига ҳам худди шундай тарозилар ўрнатганлиги аниқланиб, қўзғатилган жиноят иши терговга ўтказилди.

Пахтани қайта ишлаш жараёнида ҳам турли ноқонуний ишларнинг олдини олиш мақсадида 98 та пахта ва 30 та ёғ-мой корхоналарига Инспекция ходимлари бириктирилди.

Ишлаб чиқарилган ҳар бир пахта маҳсулоти синовдан ўтказилиб, сертификатлаштирилмоқда. Мавжуд чорва моллари маҳсулдорлигининг пастлиги, озуқа базасининг етишмаслиги, ер майдонларининг белгиланган меъёр асосида ажратилмаганлиги соҳадаги асосий муаммолардан биридир. Бу борадаги аҳвол таҳлил қилинганида, наслли молларни кўпайтириш борасидаги аҳвол талабга жавоб бермаслиги, чорвачилик хўжаликларидаги мавжуд 1 439 000 шартли чорва мол бошига нисбатан 252 800 гектар кам ер майдони ажратилганлиги, чорва озуқабоп экинлари етиштириш учун ажратилган 668 гектар ер майдонидан мақсадсиз фойдаланиб келинаётганлиги аниқланди.

Мазкур йўналишда ўтказилган назорат тадбирларида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 1187 та назорат ҳужжатлари қўлланилди, қўпол қонунбузилишлар бўйича эса 4 та жиноят иши қўзғатилди. Ушбу соҳадаги аҳволни яхшилаш мақсадида 3 ҳам муайян вазифалар белгилаб олинди.

Қишлоқ хўжалиги техникаларининг аҳволини ўрганиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва бу борада назоратни амалга ошириш юзасидан ўтказилган тадбирлар давомида эса 267 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникаларидан 110 мингдан ортиғи хизмат муддатини ўтаганлиги, 44 мингдан ортиғи фойдаланишга яроқсизлиги, 30 мингдан ортиқ техника давлат рўйхатидан ўтмасдан юрганлиги маълум бўлди.

Кўрилган чоралар натижасида 32382 та техникага давлат рақами белгилари, 34 250 та техник паспортлар берилди. 53270 та техника мажбурий техник кўрикдан ўтказилди.

Келгусида шу каби камчилик ва қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида, техник кўрикнинг мажбурийлиги, техникаларни махсус асбоблар ва ўлчов воситалари билан кўрикдан ўтказиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларига қараб техникаларни турларга ажратишни тартибга солувчи Ҳукуматнинг қарор лойиҳаси тайёрланиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Ўтказилган таҳлилларда минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига етказиш борасида ҳам муаммолар мавжудлиги аниқланди.

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш қуввати пастлиги сабабли республикада фосфорли ўғитларга бўлган талаб 20 фоизга қондирилмоқда, ишлаб чиқариш қувватларининг ўртача эскириш даражаси 77 фоизни ташкил қилади.

"Ўзагрокимёҳимоя" акциядорлик жамиятининг қуйи тизимларида сақланаётган 852 тонна дефолиантлар яроқсизлиги, 41 та ҳолатда 1 триллион 484 миллиард сўмлик 1301 тонна минерал ўғит талон-торож қилинганлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилган.

Яна бир муҳим йўналиш – озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги аҳвол доимий таҳлил қилиниб, аниқланган камчилик ва қонунбузилишларни бартараф этиш чоралари кўриб борилмоқда. Бу йўналишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ген-муҳандислик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида зарур норматив ҳуқуқий база яратилмаганлиги, жумладан озиқ-овқат маҳсулотларини гени ўзгартирилган организмлар (ГМО) компонентларидан ҳимоя қилиш масалаларининг қонуний тартибга солинмаганлиги, озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш мезонларининг ишлаб чиқилмаганлиги, аҳолига минимал тиббий меъёрлардан келиб чиқиб, талаб қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхати, "яшаш минимуми" ва "истеъмол саватчаси"нинг ҳисоблаш тартиби мавжуд эмаслиги аниқланди.

Мазкур масалалар юзасидан қабул қилинган давлат дастурлари ижроси ва шу мақсадда ажратилган бюджет маблағларининг сарфланиши масалалари ҳам ўрганиб чиқилди. Натижада, 1071 та қонунбузилишлар аниқланиб, 890 та назорат ҳужжатлари қўлланилди, жиддий қонунбузилишлар бўйича эса 7 та жиноят иши қўзғатилди.

Бугунги кунда мазкур муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган таҳлиллар, жумладан, илғор хорижий давлатларнинг тажрибалари ўрганилиши натижасида, ген-муҳандислик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, ген-муҳандислик фаолияти натижасида олинган озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланишни тартибга солишга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳалари тайёрланди.

Инспекция органлари томонидан ўтган давр мобайнида терговга қадар текширув ва маъмурий ишларни юритиш жараёнларида давлат ва жамият манфаатларига жами 47 миллиард сўмлик зарарлар аниқланди. Маъмурий ишларни кўриб чиқиш натижалари бўйича эса 4,3 миллиард сўм жарималар қўлланилиб, ундириш чоралари кўрилди.

***ХУЛОСА ҚИЛИБ АЙТГАНДА, ИНСПЕКЦИЯ ОРГАНЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ, ШУНИНГДЕК, ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ПИРОВАРДИДА ХАЛҚИМИЗНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА КЎТАРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.***

---

Сирдарё вилояти

***Гулистон шаҳрининг Баҳор маҳалласида жойлашган икки қаватли уйда яшовчи одамлар бугунги кунда хадик билан яшамоқдалар. Чунки ўтган асрнинг 50-йилларида қурилган 2 қаватли уйнинг пойдевори чўкиб, нураб, қулаш даражасига келиб қолган. Катта автомагистраль ва темир йўл ёқасида жойлашган ушбу уйда яшовчиларнинг айтишича, юк автомашиналари ёки поездлар ўтганида уй чайқалиб туради.***



# "ЯРОҚСИЗ УЙДАН ҚАЧОН ХАЛОС БЎЛАМИЗ?..."

## ёхуд Гулистон шаҳар ҳокими ваъдасининг устидан қачон чиқади?



**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
"Qishloq hayoti" мухбири.

Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси мутахассислари 2018 йил 5 июндаги далолатномасида ушбу уйда аҳолининг яшаши мақсадга мувофиқ эмас, деб топган. Бу ҳақда шаҳар ва вилоят ҳокимликлари хабардор қилиниб, тегишли идоралар огоҳлантирилган. Аммо, ҳанузгача бу бўйича ҳеч қандай чора кўрилмаётир.

– Уйда яшовчиларнинг кўпчилигини қариялар, пенсионер ва ногиронлиги бўлган шахслар, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ташкил этади, – дейди ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маъруф Исматов. – Уй қурилгандан буён умуман таъмирланмаган. Том қисмидаги шиферлар синиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Боз устига уйга кириш йўллари тор, йўлак ва ҳовли қисми асфальтланмаган. Ҳовли олдига эса ёрдамчи хўжалик вазифасини бажарувчи турли ноқонуний қурилмалар қуриб ташланган. Уй атрофига лоток ариқ қўйилмаганлиги сабабли ёмғирли кунларда сув тўпланиб, кўллаши натижасида одамлар уйга кириб-чиқишга ҳам қийналишмоқда.

Биринчи қаватдаги хонадонларнинг ички деворлари ёрилиб кетган. Умумий тартибда фойдаланишга мўлжалланган ҳожатхонага эса винтеляция-шамоллатиш тизимлари ўрнатилмаган, ҳатто бу ерда ёритгичлар ҳам ишламайди.

Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг далолатномасидан сўнг бу ердаги аҳвол билан вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси, ДСЭНМ вакиллари келиб аҳволни ўрганишди, қўшимча далолатномалар тузишди. Бироқ олти ойдирки, аҳволни ўнглайдиган, омонат уйда яшайдиганларга ёрдам берадиган мард топилмаяпти. Наҳотки, авария ҳолатидаги уйда яшаётган фуқароларнинг соғлиги ва ҳаёти мутассаддиларни мутлақо қизиқтирмаса?!

Гулистон шаҳар ҳокими Тўлқин Дадабоев 2018 йил 21 июль куни бу ерга келиб, аҳоли хонадонларига кириб, ҳақиқий аҳвол билан танишди. Ҳоким ҳам бу уйда яшаб бўлмайди, деган хулосага келди. Аҳолига Гулистон шаҳрининг Мирзаобод туманига чегарадош ҳудудидан 2 сотиҳдан ер участкаси ажратиб бериш ва янги уй-жой қуриш учун ҳашар уюштиришга ваъда берди. Бундан шу уйда яшовчиларнинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Афсуски, шаҳар ҳокимининг ваъдаси ваъдалигича қолиб кетди. Ниҳоят кутишлардан сўнг шу уйда яшовчиларнинг бир гуруҳи 2018 йил 8 сентябрь куни шаҳар ҳокимининг қабулига боришди. Ҳоким уларга кредит олиб, ёрдам берамиз, эски уйингизда бир қиш яшаб турасизлар, шу сабабли уй атрофига лоток ташлаб, асфальт ётқиздириб берамиз, дея қуюқ ваъда берди.

Омонат уйда яшовчилар ўзлари яшаб турган уйларини ҳокимият кўмагида нархлатиб, унинг пули эвазига кредит олишга рози бўлишди ва 2018 йил 12 сентябрь куни ҳокимликка ариза-тилхат билан мурожаат қилишди.

Шундан сўнг ҳокимликнинг ҳақиқий "ўйини" бошланди. Аҳолининг ариза-тилхатига жавобни шаҳар ҳокимлигининг 2018 йил 13 сентябрда ариза билан мурожаат қилиб, уй-жой сўровчиларни рўйхатга олиш китобига уй-жой сўровчи сифатида рўйхатга киритилганлиги маълум қилинди.

Шаҳар ҳокимлигидаги "тўра"ларнинг алдови, "ўйини"дан сўнг авария ҳолатидаги уйда истиқомат қилаётганлар кўплаб нуфузли ташкилот ва муассасаларга мурожаат қилишди. Бу идоралар ҳам уларнинг мурожаатларини жойида ўрганиш учун яна шаҳар ҳокимлигига юборишди. Шаҳар ҳокимлигида эса одамлар тақдирига бефарқлик, саломатлигига беparволик ҳамон давом этаётир.

Ёлғон бор жойда адолат бўлмайди. Шаҳар ҳокимлиги раҳбарларининг фуқаролар ҳаёти ва яшаш шароитларига бефарқ ва лоқайд қараб келаётганликларини қандай баҳолаш мумкин? Хўш, Баҳор маҳалласидагилар хароба уйдан қачон халос бўлиб, уларнинг уй-жой қуриш учун ер ажратиш ҳақидаги орзуси қачон рўёбга чиқади? Ёки бой бояги, бой бобомнинг таёғи, деганларидек, ваъдабозликлар яна давом этаверадими? Ўз сўзи ва қарорини ҳурмат қилмаган давлат ташкилотига аҳолининг ишончи қолармиди? Бу саволларимиз Гулистон шаҳар ҳокимлигидан ташқари, қўшма далолатномаларни жимжимадор қилиб имзолаган бошқа мутасаддиларга ҳам дахлдордир.

---

***Ёнғинлар натижасида кўриладиган моддий зарарлар катта. Инсон ҳаётига бевақт нуқта қўйилиши, шунингдек, одамларнинг майиб-мажруҳ бўлиб қолишлари "тилсиз ёв" келтирадиган офатларнинг энг даҳшатлисидир.***

# Болангизга ёнғин хавфсизлигидан сабоқ беринг!

Айниқса, ёнғинлардан болаларнинг жабр кўриши кишининг кўнглини ўртайдиган ҳолатлардандир. Куйиш жароҳатидан азоб чекаётган болаларни кўриб, ёнғин хавфсизлиги борасидаги лоқайдлигимиз қанчалар қимматга тушаётганлигини ҳис этамиз.

Шифохоналарга тушган беморларнинг куйиш ҳолатларини таҳлил қиладиган бўлсак, асосан газ ва электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билмаслик каби бир қарашда оддий бефарқлик оқибатида содир бўлаётганлигини кўрамиз. Куйиш ғоятда оғир кечадиган, узоқ вақт муолажани талаб қиладиган касалликдир. Энг ачинарлиси, айрим беморларимизда унинг асоратлари, яъни чандиқлар бир умр сақланиб қолади.

Шундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун фарзандларингизга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини доимий равишда ўргатиб боринг. Бу ишдан ҳеч қачон эринманг ва вақтингизни қизғанманг. Озгина эътиборсизлик қилиб, фарзандларимиз соғлиғию чиройига зарар етказиб қўйгандан кўра, бугун шу нарсага қарши биргаликда кураш олиб борганимиз маъқул.

**Н.БУРҲОНОВ,**
*Тошкент шаҳар Сергели тумани ЁХБ инспектори.*

---

## Эълон

**"УЧҚЎРҒОН ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ"**
акциядорлик жамияти

тегирмон ва омихта ем цехларини ҳамда дон қабул қилиш ва сақлаш бўлими (Элеватори)ни узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида зарур бўладиган қурилиш моллари, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни харид қилиш учун таъминотчи ва ишлаб чиқарувчи ташкилотлар бўйича тендер эълон қилади.

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:**

Наманган вилояти Учқўрғон шаҳри
П.Турсун кўчаси 1 уй. Тел.: (69) 462-36-76, (93) 914-53-54

*Тижорат таклифлари эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 15 кун ичида қабул қилинади.*

*Тижорат таклифлари муҳрланган конвертда тақдим этилиши лозим.*

***Уни илк бор Жорма сайҳонлигининг қуймичида учратдим. Оғзида темирқанот жўжа билан лўкиллаб кетарди. Курка жўжа танасига қараганда анча катта, боз устига жони чиқиб улгурмаганди: базўр қанот қоқиши тириклигини англатар, тулки эса, тумшуғуни кўтариб, тиззабўй қўнғирбошлар орасида бир кўриниб-бир кўринмай борарди. Шу зайлда Кампирдевол томонга эниб кетди.***

Қишлоқ оқшоми

Анвар СУЮН, ёзувчи

# ҚЎНҒИР

*Ҳикоя*

I

Келинг, яхшиси умрининг охиригача Ғўбдинтоғ этакларида яшаб ўтган, не бир олишувларни бошидан ўтказган, қай бир тузоқлардан омон чиққан, алалхусус одамлар орасида Эгизактепа тулкиси деб донг таратган жонивор ҳақида ўзим кўрган воқеаларни батафсил айтиб берай.

У денгиз сатҳидан энг баланд жойда яшади. Ҳаёти давомида кўп бор одамзод билан тўқнаш келди. Тўқнашувларнинг барисида муғомбирлигини ишга солиб омон қолди. Энди ўйлаб кўрсам, инсон билан такрор ва такрор юзма-юз келишига сув сабаб бўлган экан. Боиси, Ғўбдинтоғ этаклари дашт тусидаги кенглик бўлиб, оқарсув тоғ ичкарисида ёки қишлоқларда эди. Кунда бир-икки марта сувлаш учун олис йўл босиб келарди. Баъзан сувсизликдан силласи қуриса-да, итларнинг ухлашини кутарди. Итлар эса, эрта тонгда – хўроз қичқирмасдан бурун ёки толтушда пинакка кетарди.

Бир куни бундай бўлди.

Ҳар галгидек, саҳар пайти сурувни Тошлоққир беткайлигига ҳайдадим. Ортимда чўпонитимиз – Қайтмас келаяпти. Эчкиси тушмагур шўх бўлади-да, сурувни тортиб, қирнинг майсаси бўлиқ томонига жадал кетаяпти. Ўнг томондан юриб, саркаларнинг олдига ўтмасам, қирдан ошиши аниқ эди. Орани узоқроқ олиб, беткайликка ўрладим. Шу пайт Қайтмас ёнимдан ўқдай учиб ўтди. Ой ёруғида қўйларнинг дурр этиб ҳуркканию, итимизнинг қандайдир жониворни олдига солиб қувлаётганини кўрдим. Шарпа илкис бурилганида тулки эканлигини фаҳмладим. Чунки уларнинг думи салкам ўзи баравар бўлади. Нимадандир хавотирланиб югураётганида думи янада ҳурпаяди. Итлар шунга алданади. Яъни, тулки илкис бурилганида ит унинг қуйруғини мўлжал олиб, бурила олмайди ва тўғрига ўтиб кетади. Қайтиб олгунича бамайлихотир йўлини адаштиради. Улар фақат този итларга чап бера олмайди. Боиси, тозиларнинг ҳид билиши кучли, танаси ингичка, биқини пуч, панжалари узун бўлади ва тулки билан баравар бурилади. Қайтмас қайтиб олганида нариги қияда қўзиқулоқлар оралаб борарди. Ит барибир гўл ҳайвонда, бир-икки маскавакнинг тагини ҳидлагач тили осилиб келди. Тошбулоқ томон кетгач, Қўнғир экан деб ўйладим. Зуҳро юлдузи милтираб, тонг отишидан дарак бераётганида Каллалисойга етдик. Сурув беткайлик бўйлаб ёйилди. Чўпонтаёққа суяниб қияликдаги ўнгир лабида турибман. Бир пайт чўпонитим яна Қўнғирни олдига солиб Эгизактепа тарафга чопиб кетди. Бу сафар у Қайтмасни ажива қилгандай думини ҳода қилиб ҳали ўнгга, ҳали чапга чўпчиб чопарди. Думига монанд қилиб тумшуғиниям кўтариб олганди. Шу кетишда асфальт йўл остидаги қувургача борди. Тулки думини тушириб қувурдан ўтдида, йўлида давом этди. Қайтмас анча вақт қувур оғзида ириллаб тургач, тушкун аҳволда ортга қайтди.

Ана шунда муғомбирлигига гувоҳ бўлдим.

Ҳа-я, мен у билан Ғўбдинтоғ этакларидаги Эгизактепа атрофида кўп бор дуч келдим. Жуссаси лайча итдан баландроқ, сарғиш кулранг тусли, хушбичим тулки эди. Шунинг учун Қўнғир деб лақаб қўйгандим. Аввалига бир жуфт эди. Эгизактепанинг қуйисида ини бор эди. Шу ерда бир неча йил болалади. Кейинчалик шериги кўринмай қолди. Болалари ҳам бошқа жойларни макон тутдими қаерларгадир ғойиб бўлди. Аммо Қўнғир бийдай даштга содиқ яшади. Ҳеч қаерга кетмади. Бошқа ҳамдам ахтармади ҳам. Ҳар йили эрта кўкламдан кеч кузгача юзма-юз келардик. Негадир чўпонлардан ҳайиқмасди. Балким, уларнинг беозорлигига кўникиб қолгандир... Бироқ итларга жуда сергак эди. Қадамидан сезарди. Шунинг учунми сурувга яқинлашса какра, итсийгак, сигирқуйруқ, мингбош каби эркакўтлар мўл жойдан юрарди. Тиззабўй пичанзор изадаштиришга қулайлигини мен ҳам яхши англардим.

Емаги ҳам жуда оддий эди. Бепоён дашт ўрмони бўйлаб товушқон, юмронқозиқ, кўрсичқон, қўшоёқ ёки муллатўрғай тутарди. Ови бароридан келмаса, темирйўл ёқалаб йўловчилар ташлаб кетган пишлоқ ё колбасага ўхшаш егуликларнинг қолган-қутганлари билан озиқланарди. Агар улар ҳам учрамаса, ковулнинг қотган меваларини териб ерди. Қиш кунлари тоғ ичкарисидаги қўтонлар атрофида юрарди. Менимча, бундай пайтлари кунда-кунора туғиладиган қўзичоқларнинг қоғаноғи билан қорин тўйдирган бўлса керак. Негаки, кўмоч еб юрган чўпонитлар бундай егуликка парво қилмасди...

Қайси бир йили яна бир айёрлигига, тўғрироғи пухта тажрибаси ва муғомбир ақлига қойил қолдим.

Саврнинг авж палласи Кампирдевол ёқада тушлик қилаётгандим. Тасодифан эллик қадамлар нарида дикконглаб ўйнаётганига кўзим тушди. Нега улоқдай дикирлаяпти деган хаёл билан шамолга тескари юриб яқин бордим. Қарасам, олдида каттакон тошбақа ётибди. Онда-сонда ғадир косасига панжаси билан одамдек уриб қўяди. Тошбақа тошининг ичига кириб олган: на бошини, на оёқларини чиқаради. Қўнғир қаттиқроқ туртганида бир-икки қарич масофага думалаб кетади. Лекин тошлари орасидан чиқмайди... Кутилмаганда тулки унинг устига чиқиб, тескари ўтириб сийди-да, туша солиб боши тарафга тикилиб турди. Бир пайт сарак-сарак қилиб калласини чиқарди. Ана шунда... Қўнғир тошбақанинг бошидан тишлаб, танасини тошлари орасидан суғуриб олди. Ярим соатда косани этдан тозалади.

Аҳён-аҳёнда Ғўбдин даштида косаси бутун тошбақа тошлари учраб туришини ўшанда англадим.

II

Мадомики, Ғўбдинтоғ томонларда афсонага ўхшаш ўтмиши билан донг таратган Эгизактепа тулкиси ҳақида гап кетганда мана бу воқеани ҳам эсламасам бўлмас.

Тумшуқлик Қорақул жўрамнинг опачаси узалган кун эди. Мактабдан чиқиб Хондамир синфдошим билан уларникига бордик. Уч кундан бери ўқишга келмаётган партадошимиз қувонганидан обдон меҳмон қилди. Ошни еб бўлгач, кичикроқ косачада қулупнай келтирди. У маҳаллар биз томонларда анқонинг уруғи эди у. Қайтаётиб Хондамир иккаламиз бундан бу ёғига Қорақулни урмасликка келишиб олдик. Катта мактаб қишлоғимизда жойлашганлиги учун четдан келган болаларга зўрлик қилиш одатимиз бор эди... Қисқаси, Эгизактепага етганимизда Хондамир тасодифан:

– И-е, ана, ана тулки! – деб қичқирди.

Дафатан у кўрсатган томонга қарадим. Чуқур жарликнинг нишаблигида тулки болалари ўйнаб юрарди. Яқинда кўзи очилган эди, шекилли, момиқ жуни тушмаганди. Эниб боргунимизча тулкичалар пилдирашиб инига кириб кетишди. Етиб қарасак, ичкарида мўлтирашиб турибди. Аввалига кучукчаларимизни чақиргандай: "Гид-гид!" – деб роса овора бўлдик. Минг ҳайратлангани билан ташқарига чиқишмади. Хондамир чўнтагидан нон олиб ушатди ҳам. Қулоқларини динг қилиб тураверди. Кеч тушганлиги учун каттакон харсанг билан ин оғзини бекитиб қайтдик. Эртаси куни ковлаб олишни ният қилдик.

Уйга келсам дадам ҳовлимиздаги сўрида чой ичаётган экан. Онам менга ҳам қуртова сузиб келди. Билмадим, нимадан гап чиқди, аниқ эслолмайман, ҳангома орасида тулки уясининг оғзини бекитганлигимизни, ковлаб олгач пуллашимизни қувонч билан айтдим. Дадам ёвқараш қилди, аммо ҳеч нарса демади. Овқатланиб бўлгач:

– Кундалигингни оп ке-чи!? – деди тунд қиёфада.

Ичимдан зил кетса-да, кундалигимни келтирдим. Паст баҳо тушмаганлигини билиб турсамда, хавотирим кучайиб борарди.

– Нега "Табиатшунослик" дан "тўрт" олдинг?! – деди қошини уйиб.

– Йўғ-е!? – дедиму кундалик томонга эгилдим.

Аччиқ шапалоқ юзимни ачитиб ўтди: қамчидай тарсакидан пайдар-пай уч марта тушди.

– Бор! – деди дадам. – Қандай ёпган бўлсанг, шундай очиб ке! Бераҳм, жаллод! Худонинг тилсиз жониворигаям зулм қиладими одам?!

– Кеч тушиб қолди, дадаси! – гап қўшди онам. – Эртага қилар...

– Сен аралашма!

Уч кун аввал "Табиатшунослик" фанидан "тўрт" қўйган Меҳри муаллимни сўкиб-сўкиб харсангни пастга думалатдим.

Уйга келганимда қўшнимиз – Ғани бобо сўрида экан.

– Нима бўлди? – сўради дадам салом бериб ўтаётганимда.

– Олиб ташладим...

Ерга қараб серрайиб туравердим. Ғани бобо нима гап демишдай қаради. Дадам қилмишимни сўзлади. Ҳамсоямиз дакки берса керак деган ўйда эдим. Аммо:

– Эгизтепанинг жондори жа-а шум-ку, бекор овора қипсанда болани! – деди у киши.

Отам иккимиз ҳайратландик. Бобонинг айтишича, Қўнғир инига иккита оғиз ясаркан. Мабодо, биринчисида хавф-хатар пайдо бўлса, иккинчисидан чиқиб кетаркан. Бир неча бор Кампирдевол ёқдаги туйнугидан чиққанлигини кўрган эмиш. Эртасига сурувни ўша томонга бошладим. Тентирай-тентирай дўнгсаклар орасидаги туйнугини топдим. Буниси анча кўримсиз ва пичаннинг қалин жойида эди. Теварагида дўмпайган тупроқ уюми йўқ эди. Уянинг тупроғини устамон лойчидай бир текис қилиб сочган экан. Қизиқиш зўрлик қилиб иккови ўртасидаги масофани ўлчадим: нақд ўн етти қадам чиқди.

III

Қўнғирнинг сўнгги йиллардаги ҳаёти жуда хароб кечди. Боиси, дашт ўрмони тугаб борарди. Одамлар газ тўхтагач, дарахтларни ўтин қилиб ёқа бошлашди. Баъзилар кўп йиллик қайрағочларни кесиб пуллайдиган бўлди. Бунда ҳамқишлоғимиз Хайри кўккўз уддабурон чиқди. Дарахт сотиб "Жигули" олганлигига айримлар ҳавас қилса, бировлар қарғаб қўярди. Хуллас, уч йилда бепоён дашт ўрмони бийдай саҳрога айланди. Ажиб қушлар, шалпанг қулоқ товушқонлар ғойиб бўлди. Какликлар қағ-қағи ўрнига Илонўтди шамолининг шовуллаши авж олди.

Аммо, шундай бефайз, бебарака кунларда ҳам қари Қўнғир Эгизактепа жарлигидан кетмади.

Тулкиларнинг кексайгани жуссасидан билинаркан. Авваллари унинг қомати йирик, жуни ялтилларди. Итлар қувганда дадил қадам отиб, ортига бурилиб-бурилиб, майна қилмоқчидай югурарди. Ҳамалнинг бошида чирич тергани чиққанимда тағин йўлиқдим. Қияқирдан тушаётганда ўн беш қадам наридан ўтиб кетди. Кексалик билдирган эди, шекилли ёки муттасил давом этган очлик шу аҳволга солгандир, қуйруғи шалпайиб, рангининг суви қочганди. Айниқса, увадаси чиқаёзган жуни жанда пўстинни эсларди. Биқини пучайиб, қомати тортилибди. Шунинг учунми жуда майда кўринди менга. Эшакдан тушиб кузатдим: аввал қўйиндига кириб, дўппайган қабрларни оралаб юрди. Суви тўхтаган сел йўли билан Тумшуққа ўрлади. Тошлоқ ариқ гирдидаги елимхалта ва оқова қўқимларни титкилади. Жўяли егулик тополмадими, яна йўлида давом этди. Эшқул даллолнинг қўрасига етганда пусиб ётди. Тасодифан режасини англадим. Афсуски, англовим рўй берди: туйқус отилиб қий титкилаётган товуқлардан бирини ғиппа бўғдида, селариқ оралаб ортга қайтди.

Ўша йили ёз бошида қишлоғимизга қайсидир чайқовчи инкубатор жўжаларни роса пуллади. Эмишки, бундай товуқлар йил – ўн икки ой тухум бераркан. Курк ҳам бўлмаскан. Қисқасини айтганда, кони фойда эмиш. Кўп ўтмай Ғўбдинтоғ адирларида болалар қўй ўрнига гала-гала оқ жўжа боқиб юрадиган бўлди. Бошқаларни билмадимку, Ўразмат амаки қордай оппоқ товуқларнинг ашаддий ишқибози чиқди. Энига ўн, узунасига ўттиз қадамлик катак солиб, паррандa боқишга жиддий киришди. Топганини ана шу ишга тикди. Дон-дуни, укол-дорисини захира қилиб қўярди. Қушнинг бу тури тез етиладими, ҳаш-паш дегунча тўшдор товуқларга айланди. Шу кезларда қишлоқ теварагида Қўнғирга тез-тез дуч келадиган бўлдим. У ҳар галгидек сувлаш учун эмас, қорин тўйдиргани келаётганлигини билардим. Инкубатор жўжаси жайдари товуқларга қарганда анча гўл ва серуйқу эди. Эътибор бермасангиз эшакмия ёки шувоқ орасида қолиб кетаверарди. Бу эса, қари ва оч Қўнғир учун тайёр хўрак эди.

Кузак бошида эт олиб кўркам жониворга айланди. Илгаригидек бўйдор эмас, тиқмачоқдай эди, назаримда. Семиргани сайин у ҳақдаги миш-мишлар ҳам авж оларди. Узунқулоқ гапларнинг ваҳималилари мана булар эди:

– Шувоқлидаги Эшим калнинг бир уя товуғини гум қилган.

– Берди муаллимнинг тезак териб қайтаётган қизчасига ташланган.

– Қўйиндида гўдакнинг қабрини очиб, танасини бўлаклаб кетган.

Миш-мишларнинг қай бири чин, қай бири ёлғонлигини билмадиму, энг ваҳималиси сўнггиси эди. Шу хабар тарқагач, одамлар унинг пайига тушди. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб, режа тузди. Қопқон қўядиган ва отиб урадиганлар иккига бўлинди. Тўданинг бирига Ўразмат амаки, иккинчисига Улаш соқов бош бўлди. Ҳатто, ким биринчи тутади дея баҳс бойлабди. Эшитишимча, ўртага Қўнғирнинг думи ва ўн шиша ароқ тикибди.

Кекса Қўнғир ҳар гал уларга чап бериб кетаверди.

Афсуски, қочишнинг ҳам, қувишнинг ҳам ниҳояси бор эди. Шуни эсласам, қари ва ночор тулкига раҳмим келарди. Гоҳида ушлаб олиб, узоқ жойларга элтиб ташлашниям ўйлардим. Лекин...

Не бир ҳужумлардан омон қолган Қўнғир менга тутқич берармиди...

IV

– Ҳўкизларни суғориб, қайтишингда Хамроқул бобонгни чақириб ке, – таъкидлади дадам овқатланганимдан сўнг. – Кечқурун ис қиламиз.

Хуржуннинг икки кўзига идишларни жойлаб, Ўразмат амакининг булоғига жўнадим. Уларнинг ҳовлиси қишлоқ четида эди. Эшагимга ҳарна енгиллик бўлар деб шу ердан сув тўлдирардим. Энишга тушаётиб аянч манзарани кўрдим: қуйруғи кесик Қўнғир Илонўтдига юз буриб ётарди. Қуймичи ва тумшуғидан қон сизган, тирноқларининг ораси нам тупроққа тўла эди. Ҳали танаси совимаган, шекилли, жунидан бургалар тушмаганди.

Қизғиш кўзлари булоқ тарафга тикилиб қолганди: нигоҳида бўйрадай кўлмак, чулдираган чашма, тошлоқ қоя ва ёлғизоёқ сўқмоқ аксланарди...

Отамнинг ўгитлари

## Ҳалол

*Бешинчи ёки олтинчи синфда ўқирдим. Отам томорқамизнинг анча жойига жўхори эканди. Мактабдан келгач, мени жўхорига қўриқчи қилиб қўярди. Чумчуқлардан, қўшниларнинг куркаларидан ҳимоя қилишим керак эди. Апил-тапил тушликни еб, қўлтиғимга китоб қистирганча жўхоризорга бордим. Ҳар замонда чумчуқларга "ҳайт" деб қўяман, белкуракка кесак солиб уларга қарата отаман. Бир пайт китоб ўқишга берилиб кетибман, қарасам, томорқамизнинг нариги тарафидан қўшнининг куркалари далага бостириб кирибди. Уларни тезда ҳайдашга тушдим. Куркалар эллик човли бўлиб, бутун дала бўйлаб тарқалиб кетганди. Кесак отиб, қува бошладим. Отган кесагим бехосдан бир курканинг бошига тегди-ю, жойида аганаб қолди. Қолганлари қочиб кетди. Югуриб бориб қарасам, курка ҳаёт билан видолашмоқчи. Нима қиларимни билмайман. Кейин ўйлаб-ўйлаб уни уйга, отамнинг ёнига олиб бордим. Отам куркани кўриб, вазиятни тушунди шекилли, шартта пичоқни олиб, сўйди. Кейин уни обдон тозалаб, гўштини музлаткичга солиб қўйди.*

*Кечга томон отам билан қўшниларникига чиқдик.*

*– Абдулла, ҳов Абдулла, – қўшнини чақирди отам. Абдулла ака эгнига тўнини ташлаб, чиқиб келди ва отам билан қўл бериб сўрашди.*

*– Куркалрингни санаб кўр, ҳаммаси жойидамикан?, – деди отам.*

*Абдулла ака гап нимадалигини англади, чови куркалари турадиган жойга қараб кетди. Бир пасдан кейин "Ҳа, ҳаммаси бор экан", дегач, бошқа қўшнимизникига қараб йўл олдик.*

*Отам унга ҳам бояги саволни берди. Қўшнимиз Йўлдош аканинг аёли куркаларини санагани кетди. Мен майиб қилиб қўйган курка уники бўлиб чиқди. Отам унга курка билан боғлиқ воқеани гапириб берди.*

*– Боланинг отган кесагидан курканг чалажон бўлган экан, ҳаром ўлмасин, деб сўйиб олдим, гўшти музлаткичда турибди, ўглингни юбор, бервораман.*

*– Зарари йўқ, ота, яхши қилибсиз, айб биздан ўтган, куркаларни боқишни мана бунга ишонгандик-да, – деди орқасида турган ўглига ишора қилиб. – Асли ҳалол одамисизда, сиз айтмасангиз, биз билмасдик ҳам. Ит-пит егандирда, деб қўяверардик. Энди ота, шу курканинг гўштига мен рози. Бир ош дамлаб еб, дуо қилсангиз бас. Бундан кейинига эҳтиёт бўламиз.*

*Йўлдош аканинг гаплари жиддий экан, отам йўқ, шартмас, деса ҳам кўнмади. Шундан сўнг у билан хайрлашиб, уйга жўнадик.*

*– Ана кўрдинг, – деди йўлда келаётиб отам, курканинг гўшти энди ҳалол бўлди. – Ҳаромдан хазар, дейишган ота-боболаримиз. Бу гапнинг яхшилаб мағзини чаққин!*

***Болтабой МАТҚУРБОНОВ***

Реклама ва эълонлар







Хурсанов Абдуманнол Абдиваитович номига 2001 йилда Тошкент Агросаноат коллежи томонидан берилган 080161-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Чилонзор т.да рўйхатга олинган "ANTA ANOL" МЧЖ (СТИР 305498413) Жамият якка таъсисчисининг 31.01.2019 й.даги 1-сонли қарорига асосан ўз-ўзини тугатиш йўли билан тугатилишини маълум қилади. Маълумот учун тел.: (99) 899-97-77.

"STAR PRODUCTION" ХК (СТИР 304751384) 2019 й. 30 январдаги мулк эгасининг ихтиёрий тугатиш ҳақидаги 4-сонли қарори асосида тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан 2 ой ичида Тошкент ш. Яшнобод т. Элбек кўч. 8-уй манзилида қабул қилинади.

"ZO'R-PRODUCTION" (СТИР 304750211) МЧЖ ихтиёрий тугатилиш ҳақидаги 2019 й. 30 январдаги 1-баённомасига асосан тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан 2 ой ичида Тошкент ш. Яшнобод т. Элбек кўч. 8-уй манзилида қабул қилинади.

Тошкент ш. Мирробод т. Нукус кўч. 86/3 манзилида 662568 рақами билан рўйхатдан ўтган "METALLTRADE" (СТИР 305813051) МЧЖ жамият якка муассисининг 2019 й. 31 январдаги 2-сонли қарорига асосан ихтиёрий тугатиш жараёни бошланганлигини маълум қилади. Даъволар учун тел.: (+99897) 730-42-12.

Тошкент вил. Тошкент т.дан рўйхатдан ўтган "DONIYOR" МЧЖ (СТИР 200575632) устав фонди 149 523 119 (бир юз қирқ тўққиз миллион беш юз йигирма уч минг бир юз ўн тўққиз) сўмдан 145 677 225 ( бир юз қирқ беш миллион олти юз етмиш етти минг икки юз йигирма беш) сўмга камайтирилади. Мурожаат учун тел.: (97) 703-49-41.

Юнусобод т. 12-мавзе 34-уй 39-хонадонга Ким Александр Алексейевич номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47,
Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35,
Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49,
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

| | |
|---|---|
| Андижон | (+99893) 630-73-03; |
| Бухоро | (+99891) 401-29-59; |
| Жиззах | (+99893) 940-10-78; |
| Навоий | (+99891) 332-50-99; |
| Наманган | (+99893) 948-53-86; |
| Фарғона | (+99890) 407-76-03; |
| Самарқанд | (+99897) 575-50-67; |
| Сирдарё | (+99894) 168-23-60; |
| Сурхондарё | (+99890) 520-20-05; |
| Тошкент | (+99890) 976-39-58; |
| Хоразм | (+99897) 790-47-61; |
| Қашқадарё | (+99897) 290-28-88. |

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-225, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

7317 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 02.45

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАҚБЕРДИЕВ

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Баҳоси келишилган нархда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.